**М.Қ.Пардаев**

# “Иқтисодий таҳлил”

**YI-том**
**II-қисм**

# *ТУРИЗМ АСОСЛАРИ*

**САМАРҚАНД - 2007**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ***

**М.Қ.ПАРДАЕВ, Р.АТАБАЕВ**

# *ТУРИЗМ АСОСЛАРИ*

**(Маърузалар матни)**

**С А М А Р Қ А Н Д - 2 0 0 7**

**М. Қ. Пардаев, Р. Атабаев.** Туризм асослари (Маъруза матни).
Самарқанд, СамИСИ, 2007. - 78 бет.

Тақризчилар: И.Суванов – «Ўзбектуризм» МК Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.
Б.А.Абдукаримов – СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

Маруза матнида туризмнинг таърифи ва унинг фаолият соҳаси, туристик ташкилотларнинг турлари, туризмнинг иқтисодий соҳа эканлиги, ундаги иқтисодий қонунлар, туризм бозори, маркетинги, сегменти, хизмати каби масалалар кўриб чиқилган.

Иш олий ўқув юртлари «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш» каби ўқув йўналишлари бўйича талабаларга мўлжалланган. Ундан туризм билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**© СамИСИ, М. Қ. Пардаев, Р. Атабаев, 2007 йил**

# К И Р И Ш

Ўзбекистон дунё нигоҳидаги мамлакат. Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёни, мамлакатларнинг бир-бири билан интеграциялашуви, ҳаракатлантирувчи транспорт воситаларининг такомиллашуви, улар тезкорлигининг ошиши давлатлар ўртасида турли иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни ўрнатиш имконини бермоқда. Бу алоқалар ичида туризм ҳам салмоқли ўринга эга. Унинг дунё миллий маҳсулотидаги ҳиссаси 11 % га яқин миқдорга эга. Бундай имконият Ўзбекистонда ҳам мавжуд, чунки ундаги туристик салоҳият барча мамлакатлар сайёҳларини қизиқтириб келган. Бу соҳа иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасига киради ва мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга ўзининг маълум даражада ҳиссасини қўшади. Аммо бу соҳа мамлакатимизда йирик индустриал соҳага айланиб улгурган эмас. Бунинг устига туризм бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам етарли даражада эмас эди.

Буни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 26 апрелда «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил қилиш тўђрисида» 144-қарорини қабул қилди. Ушбу қарорга биноан мазкур институтда «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм хизматлари операторлиги» каби ўқув йўналишлари бўйича бакалаврлар, 2008 йилдан бошлаб магистрлар тайёрлайдиган бўлишди. Аммо ушбу соҳа бўйича дарслик, ўқув қўлланмаси ёки йирик тадқиқот натижасида ёзилган

монографиялар яратилмаганлиги туфайли тезкор тарзда мазкур маъруза матнини тайёрлашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Маъруза матни икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида туризмнинг назарий масалалари, унинг иқтисодиёт соҳасига мансуб эканлиги қараб чиқилган. Иккинчи қисмида эса, туризм ташкилотлари турлари, туризм бозори, маркетинг хизмати, сегменти каби масалалар ёритилган.

Иш олий ўқув юртлари «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш» каби ўқув йўналишлари бўйича талабаларга мўлжалланган. Ундан туризм билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу иш ўзбек тилида мамлакатимиз шароитидан келиб чиқиб илк бор ёзилаётганлиги туфайли унда камчиликларнинг бўлиши муқаррар. Бу бўйича іурматли ўšувчилар холис фикр ва мулоҳазаларингизни миннатдорчилик билан кутиб қоламиз.

# 1 Боб. ТУРИЗМНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## 1.1. Туризмнинг мазмуни

Туризм инсоният тамаддунининг маҳсули. Ушбу тушунча ўзининг назарий ва амалий талқинига эга. Шу туфайли уни атрофлича изоҳлаш учун унга одамларнинг ҳаракати, иқтисодий категория, сиёсий вазият, фаол дам олиш каби жиҳатлардан қараш ва изоҳлашни талаб қилади.

Агар туризмга одамларнинг ҳаракати нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларнинг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга вақтинча бориб келиши тушунилади.

Ушбу тушунчага иқтисодий категория сифатида қаралса туризм туристларни қабул қилувчи мамлакат учун фойда келтирувчи иқтисодий жараён сифатида намоён бўлишини таъкидлаш етарли.

Туризмга сиёсий вазият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у сиёсий жиҳатдан барқарор, тинчлик ва тотувлик ҳукумрон бўлган жойда, мамлакатда содир бўлиши тушунилади. Туризмдан фойда кўришни хоҳлаган мамлакат биринчи галда туризм объектларига эга бўлиш билан бирга ўз мамлакатида сиёсий барқарорликни таъминлаган, бошқа жойдан сайёҳларнинг бемалол келиб-кетиши учун тегишли шароитни яратган бўлиши лозим.

Агар туризмга одамларнинг фаол дам олиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлса, уларнинг бўш вақтларида ўзлари яшайдиган жойдан бошқа жойда дам олиши учун бориши, дўстлари, қариндошларини кўриб келиши, табиат ва ҳайвонат оламидан баҳраманд бўлиш мақсадида тођларга ва бошšа хушманзара жойларга бориши каби жараёнларни киритиш мумкин.

Туризм инсонлар фаолиятининг бир тури бўлиб, бир томондан ижтимоий муносабатларни ўзида ифода этса, иккинчи томондан, маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлган сервис соҳасининг мустақил тармођидир. Шу туфайли унга бир томонлама ёндошиб, талқин қилиб бўлмайди.

Туризмни тўлиқ ифода этиш учун унда иштирок этадиган субъектларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Бу борада олимлардан В.А.Квартальнов[1] туристик объектларга тўртта субъектни киритади:

- туристлар;
- туристик ва хизмат товарларини берувчи ташкилотлар;
- маҳаллий ҳукумат органлари;
- қабул қилувчи мамлакатлар.

Биз туристик субъектларга яна бир гуруҳни, яъни туристлар кўрадиган туристик объектларни қўшишни тавсия қиламиз. Чунки туристлар ҳамма жойга ёки мамлакатга боравермайди. Улар шундай жойларни танлайдики, қайсики у ерда туристларни қизиқтирадиган объектлар мавжуд бўлиши лозим. Масалан, Ўзбекистонга туристлар хорижий мамлакатлардан тарихий обидаларни кўриш мақсадида ташриф буюрса кўпроқ Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига боради. Мустақиллик объектларини кўрмоқчи бўлса, албатта мамлакатимизнинг ҳамма шаҳар ва вилоятларида бундай объектлар мавжуд, лекин кўпроқ Андижон, Тошкент каби йирик шаҳарларга боришни афзал кўради. Демак, қайси мақсад билан саёҳатга чиқса туристлар учун ўша мақсадига жавоб берадиган туристик объектларнинг бўлиши лозим.

Туристик фаолиятнинг содир бўлиши айнан ана шундай унсурларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Буларнинг қисқача чизмадаги кўринишини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-чизма).

Агар ушбу чизмадан келиб чиқадиган бўлсак, туристик фаолиятнинг содир бўлиши учун туристларнинг, туристик объектларнинг, туристик товарлар, уларнинг сотилиш усуллари, маҳаллий ҳокимият ва туристларга хизмат қилувчи аҳолининг мавжудлиги, улар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларнинг содир бўлиш жараёни таъминланиши лозим. Шу жиҳатдан туризм мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуасини ўзида қамраб олган мустақил соҳа сифатида намоён бўлади.

Ушбу талабдан келиб чиқадиган бўлинса, туризмга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

[1] Квартальнов В.А. Туризм. М.: Финансы и статистика, - 2003. – 21 бет.

**Туризмнинг субъектлари ва объектлари**

| | |
|---|---|
| Туристлар | Туристик фаолиятда иштирок этиш орқали ўзларининг маънавий, руҳий ва жисмоний эҳтиёжларини қондириш мақсадида уюшган одамлар гуруҳи |
| Туристик товарлар ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар | Маълум иқтисодий фойда олиш мақсадида туристик бозор талабига мос товар ва хизматлар кўрсатадиган туристик фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар |
| Маҳаллий ҳокимият органлари | Маҳаллий бюджетга солиқ тушумига мўлжалланган иқтисодий фаолият билан шуғулланишга қаратилган бизнесга тегишли шароит яратиб берувчи маҳаллий ташкилотлар |
| Қабул қилувчи мамлакат | Туристик объектлари мавжуд бўлган ўз аҳолиси бандлигини туризмга хизмат кўрсатиш орқали таъминлайдиган мамлакатдир |
| Туристик объектлар | Мамлакат ёки мамлакат ичида одамлар диққатини тортадиган тарихий обидалар, буюк шахслар қадамжолари, музейлар каби тарихий, маънавий ва маърифий аҳамиятга молик объектлар |

***1 – Чизма. Туристик фаолиятни амалга ошириш учун лозим бўлган туристик субъектлар ва объектлар***

***Туризм деганда одамларнинг ўзлари доимий яшаб турган жойидан ёки мамлакатидан бошқа жойга ёки мамлакатга бўш вақтини мазмунли ўтказиш, дам олиш, соғломлаштириш, меҳмонда бўлиш, иш юзасидан айрим масалаларни ҳал қилиш каби мақсадлар учун вақтинча бориб келиши тушунилади.***

Соф иқтисодиёт нуқтаи назаридан туризм одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга дам олиш ва сайр қилиш каби мақсадлар учун бориб келиши жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Бунга борган жойида пул топиш мақсадида ишлаш учун кетган хизмат сафарига ва юборилган кишилар кирмайди.

Шундай қилиб, туризм аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга пул топиш мақсади учун эмас, балки маънавий, руҳий ва жисмоний ҳордиқ чиқариш мақсадида ҳаракат қилиб юришидир. Бундай ҳаракатни содир қилиш турисларни қабул қилиш учун Ўзбекистонда йирик салоҳият мавжуд. Гап бундай салоҳиятдан самарали фойдалана олишда.

## 1.2. Туризм (сайёҳлик) ва саёҳат

Одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши сайёҳлик ва саёҳат мақсадида амалга оширилади. Булар бир-бири билан ўта яқин ва узвий алоқада бўлган инсон фаолияти ва ҳаракати билан боғлиқ тушунчалардир. Аммо улар бир-биридан маълум белгилари билан фарқ ҳам қилади.

Сайёҳлик ва саёҳат орқали одамлар бир қанча фаолият турларини бажарадилар. Буларга:

- бошқа жойда дам олиш;
- спорт билан шуғулланиш;
- атроф-муҳитни билиш ва ўрганиш;
- саломатликни тиклаш, даволаниш;
- яқинлариникида меҳмонда бўлиш;
- савдо-сотиқ ишларини бажариш;
- ишлаб пул топиш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга бориш;
- зиёрат қилиш каби фаолиятлар киради.

Ушбу ҳаракат ва тушунчаларнинг деярли ҳаммаси саёҳатга киради. Туризм эса саёҳатдан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. У саёҳатнинг бир тури бўлиб, бошқа жойда ишлаш, савдо-сотиқ ёки бошқа ишлар билан пул топиш мақсади бўлмаслиги керак. Бу икки тушунчани бир-биридан маълум даражада фарқ қиладиган ҳолатлар айнан шулардир.

Мазкур тушунчаларни тўлиқ тасаввур қилиш учун уларнинг таърифини келтириш кифоя, деб ўйлаймиз. Юқорида кўрганингиздек туризм тушунчаси берилган. Энди саёҳат тушунчасига қуйидагича таъриф берилади.

***Саёҳат деганда одамларнинг мақсади, йўналиши, ҳаракат воситаси, вақтидан қатъий назар замон ва макондаги ҳаракати тушунилади.***

Бу одамларнинг барча ҳаракатларини ўз ичига олади. Агар бир киши тижорат йўли билан пул ишлаш мақсадида ёки ишлаб келиш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга берса ҳам саёҳат ҳисобланади. Аммо бу мақсаддаги одамларнинг ҳаракати сайёҳликка, яъни туризмга кирмайди. Шу туфайли сайёҳлик (туризм) ва саёҳатни фарқламоқ лозим.

Сайёҳлик ва саёҳатни бир-биридан аниқ фарқлаш учун қуйидаги жадвални тавсия қиламиз (1-жадвал).

**1 – жадвал**

**Сайёҳлик ва саёҳатнинг бир-бири билан алоқаси ва фарқи**

| Одамларнинг ҳаракат тури | Қайси соҳага мансублиги | |
|---|---|---|
| | Саёҳат | Сайёҳлик (туризм) |
| 1. Бир мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга дам олиш учун бориш | + | + |
| 2. Бир мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга тижорат учун бориш | + | - |
| 3. Бир мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ишлаб пул топиш учун бориши | + | - |
| 4. Бир мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга спорт мусобақаларига қатнашиш учун бориши | + | + |
| 5. Бир мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга атроф-муҳитни билиш ва ўрганиш учун бориши | + | + |
| 6. Бир мамлакат ичида ёки бир | | |

| | | |
|---|---|---|
| мамлакатдан бошқа мамлакатга даволаниш ва саломатликни тиклаш учун бориши | + | + |
| 7. Бир мамлакат ичида ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга зиёрат қилиш учун бориши | + | + |
| 8. Йўловчиларни ташийдиган сув, ҳаво, темирйўл транспорти ҳайдовчилари ва уларга хизмат қилувчиларнинг ҳаракати | Ишлаш | - |
| 9. Ўқиш учун бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ёки бир мамлакат ичида бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ҳаракати | Ўқиш | - |

*Изоҳ: Ушбу ҳаракат турларини янада кўпайтириш мумкин эди, аммо биз ушбу тушунчаларни фарқлаш учун айримларинигина келтирдик холос.*

Бозор муносабатлари шароитида мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифа, бизнинг мамлакатимизни кўриш, тамоша қилиш истагида бўлган жаҳон аҳолиси вакиллари учун тегишли шароит яратиб бериш ва уларга хизмат кўрсатиб маблағини мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига сафарбар қилишдир.

## 1.3. Туризмнинг ўзига хос хусусиятлари

Туризм иқтисодиётнинг ўзига хос бўлган соҳаси. Ушбу соҳа ҳам бошқа соҳалар сингари мамлакат иқтисодиётига, унинг ялпи ички маҳсулотининг кўпайишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшадиган соҳа. Аммо бу ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, туризм мавсумий характерга эга бўлиб, одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга қисқа муддатда ҳаракатининг содир бўлиши билан белгиланади. Бунда одамлар якка бўлиб эмас, балки гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланади (агар якка ҳаракат қилинса – бу оддий саёҳатдан иборат бўлади).

Туризмнинг бу хусусияти, таъкидланганидек, қисқа муддатлилиги. Кўп ҳолларда бу 2-3 кун, асосан, дам олиш кунларига тўғри келади. Татил даврида бир ҳафталик, ўн кунлик туристик саёҳатлар ҳам бўлиши мумкин.

Унинг мавсумийлиги шундаки, кўп ҳолларда табиат қўйнига саёҳат қилиш баҳор, ёз ва куз ойларида амалга оширилади. Айрим туристик юришлар қиш манзарасини тамоша қилишга қаратилган бўлади. Умуман олганда баҳор, ёз ойлари саёҳат учун қулай фасллар бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи хусусияти, туристларнинг доимий яшаш жойидан бошқа жойга бориши тушунилади. Ишлаб пул топиш мақсадидаги ҳаракати бунга кирмайди. Бу ҳаракат битта ҳудуд, бир мамлакат ичида ва мамлакатлараро ҳам бўлиши мумкин.

Одамларнинг доимий яшаш жойи деганда унинг тегишли органлар томонидан рўйхатга олинган жойи (прописка қилинган жойи) тушунилади. Одам қайси жойда рўйхатга олинган бўлса, одатда, ўша жойда яшаши лозим. Унинг бошқа жойга дам олиш, ҳордиқ чиқариш, ўрганиш, саломатлигини тиклаш (ётиб даволаниш кирмайди) каби мақсадлар учун бориши туризмнинг ушбу хусусиятига киради.

Учинчидан, туризмга фақат бўш вақтида дам олиш, уни фаол ўтказиш усули сифатида қаралиши ҳам унинг ўзига хос хусусиятларидандир. Кўп ҳолларда бошқа ҳудудларда сайр қилиш, тамоша, ўрганиш каби ҳолатлар одамларни хизмат сафарига жўнатганда ҳам содир бўлиши мумкин. Лекин бу ерда мақсад маълум ишни битиришга қаратилганлиги туфайли уни туризмга киритиб бўлмайди. Бунда бир нарсага урғу бериш керакки, ушбу тадбирлар одамларнинг бўш вақтида содир бўлиши лозим экан.

Тўртинчидан, туризм нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий соҳа ҳамдир. Бунинг иқтисодий самарадорлиги билан бирга маънавий, руҳий ва интелектуал аҳамияти ҳам жуда катта. Шу туфайли ушбу соҳага давлат алоҳида эътибор бериб маълум имтиёзлар ҳам белгилайдилар. Одамлар бу имтиёзлардан фақат турист бўлганликлари учун фойдаланадилар. Бу ҳам туризмнинг ўзига хос хусусияти ва катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан далолат беради. Имтиёзлар туристларнинг божхона постларидан ўтишда, солиқ тўлашда, четга чиқишда паспортига рухсат беришларда намоён бўлади.

Бешинчидан, туризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида туристлар қабул қилувчи мамлакатга даромадни келтиради, қаттиқ валюта тушумини таъминлайди, аҳолини иш билан бандлик даражасини оширади. Туристларга хизмат қилиш учун меҳмонхона керак бўлади. Бу ерда улар овқатланиши лозим. Турли томошалар қиладилар. Ҳаммасига накд пул, кўп ҳолларда агар улар хорижий туристлар бўлса, валюта тушумининг кўпайишини таъминлайдилар.

Шундай қилиб, туризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Бу қуйидаги чизмада келтирилган (2-чизма).




***2 – чизма. Туризмнинг ўзига хос хусусиятлари***

# 1.4. Туризмнинг турлари

**Туризм асосан тўртта белгилари бўйича** таснифланади. Буларга:

- туризмни ташкил этиш бўйича;
- хизмат кўрсатиши бўйича;
- мақсади бўйича;
- фойдалилиги бўйича каби белгилар киради.

Туризмни ташкил этилиши бўйича таснифланса у икки гуруҳга бўлинади: режали ташкил қилинган, режасиз ўзбошимча ҳаракат қиладиган.

**Режали ташкил қилинган туризмга** давлат томонидан қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинадиган одамларнинг ҳаракати тушунилади. Бу фаолиятни давлат ва нодавлат туристик ташкилотлари, турли фирма ва компаниялар амалга ошириши мумкин. Ўзбекистондаги туризмнинг асосий қисми режали ташкил қилинган туризмга киради.

**Режасиз ўзбошимча ҳаракат қилинган туризмга** ўз ихтиёри билан мустақил ташкил қилинган одамларнинг ҳаракат тури киради. Бу асосан кўнгилли туристик жамиятлар, иттифоқлар ва жисмоний шахслар ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Туризмнинг ушбу тури орқали тоғу-тошларга саёҳат, туристик юриш, мусобақалар уюштириш, бошқа ҳудуд ва мамлакатларни кўриб томоша қилиб келиш учун бориш каби фаолиятлар амалга оширилади. Бу жараён ҳам турли туристик бирлашмаларнинг мамлакат қонунларига ва халқаро меъёрларга зид бўлмаган ички низом ва бошқа тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мамлакатимизда туризмни ташкил қилувчи жисмоний ва юридик шахслар тегишли рухсатномага (лицензияга) эга бўлишлари лозим. Бу масала «Ўзбектуризм» ташкилоти томонидан амалга оширилади ва шу ташкилот мувофиқлаштириб беради.

**Туризм хизмат кўрсатиши бўйича** уч гуруҳга бўлинади: ички туризм, миллий туризм ва халқаро туризм.

**Ички туризм** бир мамлакат ичида одамларнинг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга дам олиш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш, атроф-муҳитни ўрганиш каби мақсадларда қисқа муддатли ҳаракатидир.

Ички туризм бир мамлакат ичида бўлганлиги туфайли у умумий иқтисодиётга таъсири кам бўлади. Аммо бир ҳудуд

ҳисобидан иккинчи, туристларни қабул қилувчи ҳудуд иқтисодий самара, манфаат олиши мумкин.

**Миллий туризм** ҳам туристик фаолият мажмуаси бўлиб, у ички туризм ва ташқи мамлакатлардан келган туристларга хизмат кўрсатиш соҳасини тўлиқ қамраб олади. Ўзбекистонда миллий туризм давлат ва нодавлат ташкилотларидан таркиб топган бўлиб, уни «Ўзбектуризм» ташкилоти мувофиқлаштириб туради.

**Халқаро туризм** энг нуфузли туристик ҳаракат бўлиб, бир мамлакатга бошқа мамлакатдан келган туристларни қабул қилиш ва бошқа мамлакатларга туристик хизмат кўрсатишдир. Жуда кўп мамлакатларда халқаро туризм иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатида катта фойда келтирувчи фаолият ҳисобланади. Бу ҳолатдан келиб чиқиладиган бўлса, Ўзбекистон ҳам жуда катта туристик салоҳиятга эга эканлигини инобатга олиш ва уни йирик фойда келтирадиган соҳа деб қараш лозим.

**Туризм мақсади бўйича** қуйидаги турларга бўлинади:

- саломатликни тиклаш;
- дам олиш;
- спорт мусобақаларига қатнашиш ёки спорт машғулотларини ўтказиш;
- илмий ва маърифий экспедиция;
- атроф-муҳитни, диққатга сазовар туристик объектларни ўрганиш;
- зиёрат қилиш кабилар.

Туризмнинг ушбу тушунчалари ва турларига изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз.

**Туризм фойдалилиги бўйича** икки гуруҳга бўлинади: иқтисодий самарали туризм ва ижтимоий самара берадиган туризм.

**Иқтисодий самарали туризмга** шундай туризм кирадики, у туристларни қабул қилувчи мамлакат бўлиб, уларга хизмат қилиш орқали уларнинг даромадларини таъминлайди. Айнан туризмнинг шу жиҳати унинг иқтисодий соҳа эканлигидан, фойда келтирувчи фаолиятлигидан далолат беради. Қайси ҳудуд ёки мамлакатда туристик объектлар мавжуд бўлса ўшалар унинг туристик салоҳиятини белгилайди. Туризмдан фойда қиламан деган давлат, компания ёки шахслар айнан ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш чораларини кўриши лозим.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон, айниқса Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари мисилсиз туристик имкониятларга эга. Агар ушбу соҳани тез ривожлантирилса аҳолининг кўп қисми ишга жойлашади, даромади ошади. Шу туфайли туризм индустриясини ривожлантириш Ўзбекистонда энг устувор соҳалардан бирига айланмоғи лозим.

**Ижтимоий самара берадиган туризм** ҳам бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам ривожланган. Бу соҳа бевосита аҳолининг ижтимоий соҳага муҳтож қатламини, яъни мактаб ўқувчиларини, пенсионерларни, талаба-ёшларни, ногиронларни, кекса нуронийларни, уруш ва меҳнат фахрийлари каби аҳолининг шундай тоифасини саёҳат қилдириш тушунилади. Энг муҳими ушбу соҳага қўйилган инвестиция фойда олиш учун эмас, балки ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган бўлади. Бу мақсад учун маблағ давлат бюджети, давлат ташкилотлари ва турли нодавлат жамғармалар ва шахслар (жисмоний, юридик) ажратмалари ҳисобидан шаклланади.

Ушбу гуруҳларнинг таснифи қуйидаги чизмада ўз аксини топган (3-чизма).




***3 – Чизма. Туризмни турли белгилари бўйича таснифи***

## 1.5. Туризмни ривожлантириш муаммолари

Туризм бу энг қадимги соҳалардани бири. Аммо у жаҳонда амалиёт сифатида шаклланган. Жуда кўпгина мамлакатларда бу соҳа XXI асрга келиб энг етакчи соҳалардан бирига айланди. Аммо мамлакатимизда ҳали бу етакчи соҳа бўлиш имкониятига эга бўлсада, талаб даражасига кўтарилган эмас. Бунга жуда кўп

омиллар сабаб бўлмоқда. Уларнинг энг муҳимларидан бири туризм соҳасининг назарияси ва услубиёти ўзимизга хос тарзда ишлаб чиқилмаганлигидадир. Лекин туризм шундай нозик соҳаки, уни кўр-кўрона ривожлантириб бўлмайди. Бу соҳа жуда катта эътиборни талаб қиладиган соҳадир. Чунки бу жараён ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди. Энг муҳими одамларни, айниқса бошқа давлат одамларини жалб қилиш билан боғлиқ.

Биз дунё туризм бозорига кириб боришимиз лозим. Бизда қанчалик туристик объектлар бўлмасин, уни туристларга кўрсата билиш ва шу жараёндан тегишли фойда олиш учун туризм бозорида ҳам мавжуд эркин рақобатга бардошли ҳолатларни яратиш керак-ки, қайсики бу соҳага қўл урган тадбиркор иш бошлаб улгурмасдан синмасин. Шу учун туризмни ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмаслигини инобатга олиб, уни юксалтириш чораларини кўриш лозим. Бу бевосита туризм индустриясини ривожлантиришни тақозо қилади. Бу эса давлатдан ёки бошқа шахслардан салмоқли маблағни, каттагина инвестицияни талаб қилади. Бу соҳага аталган маблағ ҳам топилиши мумкин, лекин уни юритадиган кадр бўлмаса ҳаммаси бир пул. Ушбу соҳага билимдон, етакчи мутахассислар жуда зарурдир.

Туризм бир қанча мамлакатлар учун асосий иқтисодий тармоқ даражасига кўтарилган. Тайланд, Малайзия, Кипр каби мамлакатлар иқтисодиётида туризм асосий соҳага айланиб ўлгурган. Дунёнинг Париж, Лондон, Рим, Нью-Йорк, Москва, Самарқанд, Бухоро каби кўпгина йирик шаҳарларини бугунги кунда туристларсиз тасаввур қилиш қийин. Туризм ҳозир нафақат Европа, балки Америка, Осиё, Африка, Австралия каби дунёнинг барча бурчакларига қадар ёйилиб улгурди. Чунки бундай вазиятга объектив шароит яратилди. Тезюрар ер, сув ва ҳаво транспортининг дунё бўйлаб қатновининг йўлга қўйилиши туризмнинг бундай кенг кўламда тараққий этиши учун тегишли шароит яратишга мувоффақ блинди.

Туризмнинг ривожланиши учун зарур бўлган энг муҳим омилларга етарли даражада моддий-техника асосини (МТА) яратиш киради. Туризмнинг моддий-техника асосига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- туристик ташкилотлар, фирмалар (туристик операторлар, туристик агентлар каби);
- меҳмонхоналар;
- туристик базалар;
- туристларни овқатлантириш шахобчалари;
- туристларга савдо хизматини кўрсатиш шахобчалари;
- туристларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари;
- туристларга автомобил ва бошқа ҳаракатлантирувчи транспорт воситаларининг мавжудлиги;
- туристларга зарур бўлган жиҳозлар прокатини ташкил қилувчи прокат пунктлари;
- туристик йўлланмаларни сотиш шахобчалари;
- туристик клублар, станциялар;
- туристларга туристик объектларни тушунтириб берадиган бир қанча тилларни биладиган гитлар кабилар.

Ҳозирги пайтда шу кўрсатилган МТАнинг барча элементлари юқори даражада ташкил бўлсагина, бундай мамлакат туристик бозорда ўз ўрнини топиши мумкин.

Бу кўрсатилганлардан ташқари туризмнинг ривожланиши учун шу ҳудуднинг табиати, иқлими, ландшафти, релефи ҳам қулай бўлиши лозим. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Табиати гўзал, иқлими мутадил, сайр қилиши учун ҳудуди етарли бўлиши лозим.
2. Шу ерда қаттиқ иссиқ ёки қаттиқ совуқ бўлмаслиги керак.
3. Туристлар борадиган, дам оладиган жой турли йиртқич, ёввойи ҳайвонлардан, чақадиган (илон, чаён, қорақурт каби) ҳашоратлардан ҳоли бўлиши лозим.
4. Туристлар учун зилзила, тўфон, сув тошқини, қор кўчдиси, жала каби табиий офатлар бўлмайдиган жой ажратилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.
5. Туристлар кўним топадиган жой заҳарли ўтлар, мевалар, ифлосланган атроф-муҳитдан ҳам ҳоли бўлмоѓи лозим.

Бу омиллар ҳам туризмнинг ривожланиши учун асосий сабаблардан биридир. Булардан ташқари туризмни ривожлантираман деган мамлакат, энг аввало, шу жойга транспорт билан етказиш, у ерда овқатланиши, яшашини, хавфсизлигини таъминлаш каби бирқанча чораларни кўриши керак.

Мамлакатимизда диққатга сазовор, туристларни жалб қиладиган жуда кўп тођли ҳудудлар деярли барча вилоятларимизда мавжуд. Аммо уларда оммавий тарзда туризмни ташкил қилиш йўлга қўйилмаган. Бу соҳада туризм индустрияси оқсоқ ҳолда.

Тођ ва табиатнинг гўзаллиги табиий ҳолат. Улар ҳеч қандай маблађ сарф қилинмасдан туристик объект сифатида мавжуддир. Ундан фақат даромад қилиш мақсадида фойдаланишлари лозим. Лекин бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўплигини ҳар бир ўқувчи эътироф этса керак, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб таъкидлаш жоизки, туризмнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва ундан келиб чиқадиган муаммолар жуда кўп. Уларнинг айримлари ушбу чизмада келтирилган (4-чизма).




***4 – Чизма. Туризмни ривожлантириш муаммолари***

Кўриниб турибдики, келгусида ушбу соҳани ривожлантириш учун унга мансуб кадрлар салоҳиятини шакллантиришдан тартиб, унинг моддий-техник асосини яратиш ва шу соҳа бўйича назарий ва услубий билимларни шакллантиришгача бўлган босқични ўташ лозим экан.

## 1.6. Туризмни ривожлантириш йўллари ва омиллари

Туризм бошқа соҳаларга нисбатан тез тараққий этадиган тармоқдир, чунки бу соҳа мамлакатимиз учун унчалик катта инвестицияни талаб қилмасдан ривожланиши мумкин бўлган соҳадир. Бошқа соҳалар, жумладан ҳаво, темирйўл, автомобил транспорти, овқатланиш ва савдо шаҳобчалари, меҳмонхоналар ривож топса ўша жойда туристик объектлар мавжуд бўлса бемалол туризмни ривожлантириш мумкин.

Туризм соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, у XXI асрда дунё миқиёсида энг устувор фойда келтирувчи соҳага айланади. Ҳозир у дунё бўйича автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди[2]. Бу соҳа дунё саноати ва қишлоқ хўжалигидан ўзиб кетдилар.

Туризмнинг тез ривожланишига яна бир сабаб, у юқори даражадаги катта илмий тадқиқот харажатини (наукоёмкий) ва қувватни кўп сарф қиладиган (энергоёмкий) технологияни талаб қилмайди. Бироқ, туризм бошқа соҳаларни ривожлантиришни тақозо қилади. Шу туфайли ушбу соҳа билан кўпгина хизмат кўрсатувчи соҳалар бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ривож топмоғи лозим.

Туризмнинг юқори даромад келтирувчи соҳа бўлганлиги туфайли кўпгина давлатлар ва тадбиркорлар унинг ривожланиши учун катта эътибор бермоқдалар. Улар янги-янги меҳмонхоналарни қурмоқда, эскиларини реконструкция қилиб таъмирламоқда, қайсики уларни ҳам жаҳон стандартлари талабларига мослаштирмоқда. Бунга биргина Самарқанд шаҳрида қурилган

---

[2] Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. // Экономический вестник Узбекистана. № 3-4, 2004. – 61 бет.

ўнлаб шахсий меҳмонхоналарни мисол келтириш мумкин. Улар ҳеч кимнинг таъзиқи ёки кўрсатмасисиз ўз ташаббуслари билан қурилган объектлардир. Мақсади шу соҳани ривожлантириб катта фойда олиш. Бу эса ўз навбатида, туризмни ривожлантириш учун энг муҳим омиллардан биридир.

Туристларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида дунё тамаддуни ва тарихий обидалар намуналарини қайта тиклаш ва асл ҳолига келтириш учун ҳам катта эътибор берилмоқда. Масалан, Самарқандда «Бибихоним» мажмуасининг қайта тикланиши, Имом Ал-Бухорий, Мотрудий каби алломаларимиз мажмуаларининг қайтадан барпо қилиниши кабилар буларга мисол бўла олади.

Бу соҳани ривожлантириш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизнинг бир қанча олий ўқув юртларида (ЎзМУ, ТДИУ, УзДЖТУ, СамИСИ кабилар) туризм, халқаро туризм, туризм менежменти, туризм хизматлари операторлиги, туризм маркетинги каби ўқув йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси келажакда мамлакатимизда туризмнинг ривожланиши учун асосий омиллардир.

Туризмнинг ривожланишига нафақат даромад келтирувчи иқтисодий, балки катта ижтимоий соҳа деб ҳам қараш лозим. Агар халқаро туризм ўз ривожини топса халқлар ўртасидаги маданий ва маърифий алоқаларнинг мустаҳкамланишига, турли миллатларнинг дўстлашишига, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига, охир-оқибатда дунёда тинчликнинг қарор топишига ҳам муҳим омил бўлади.

Бутун Европа бирлашди ва бирлашмоқда. Бу эса бир томондан шу жараённи тезлатса, иккинчи томондан, туризмнинг ривожланишига катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги пайтда бутун дунё туристларининг 70 фоизи фақат шу Европа мамлакатларига тўђри келса, бутун Осиё, Африка ва Австралия мамлакатларига эса, унинг атиги, 10 фоизигина тўђри келмоқда[3]. Бу мамлакатларда туризмнинг тез ривож топмаганлигининг асосий сабабларидан бири, Европа андозалари даражасида хизматнинг ташкил қилинмаганлиги, экологик ва сиёсий муҳитнинг маълум

---

[3] Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. // Экономический вестник Узбекистана. № 3-4, 2004. – 61 бет.

даражада бир қатор эмаслиги, сув ва ҳавонинг тўлиқ талабга жавоб бермаслигидир.

Бундай муаммолар Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Агар туристлар тарихий обидаларни тамоша қилиш билан бирга ёз пайтларида чўмилиш ва соф ҳавода сайр қилишни мақсад қилиб қўйса, биринчи йўналиш бўйича тегишли обидаларни, туристик объектларни топишимиз мумкин. Аммо чет мамлакатлардан келиб бемалол чўмиладиган сув ҳавзаларимиз, мириқиб дам оладиган, экологик жиҳатдан тўлиқ талабга жавоб берадиган боғ, сунъий ўрмонларимиз етарли эмас. Албатта, тоза ҳавоси, экологик жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган бетаркрор табиати ва иқлимига эга бўлган тоғларимиз бор. Аммо улар туристик объектлар қаторига киритилмаган ва туристик маршрутда ўз ифодасини топмаган. Бунинг устига тоғларда туристларга сервис хизмати деярли ташкил қилинмаган. Булардан кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш учун ўзимизда ҳали анча ишларни амалга оширишимиз лозим экан.

Туризмни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омиллардан бири бу соҳада рекламани йўлга қўйишдир. Аммо мамлакатимизда бу соҳа ҳам жуда оқсоқ ҳолатда. Бир томондан бу реклама маълум маблағни талаб қилади. Маблағ эса, туристик ташкилотлар ҳали ривожланиб улгурмаганлиги туфайли, камлик қилмоқда. Оқибатда бу соҳа, айниқса диққатга сазовор янги-янги туристик объектлар аҳолининг, туристларнинг диққат эътиборига тушмасдан қолиб кетмоқда. Ўзимизда мавжуд бўлган кўпгина туристик объектларни нафақат хорижий, ҳатто ўзларимиз ҳам тўлиқ билмас эканмиз.

Мустақиллик йилларида бирқанча аллома ва авлиёларимизнинг қадамжойлари, қабр-мақбаралари қайтадан кашф этилди. Аммо уни ҳам аҳолининг аксарият қисми билишмайди. Масалан, Тайлоқ туманида Хўжа Дарун, Ургут туманида Имоми Аъзам, Бахмал туманида Мир Саид Халил, Ғаллаорол туманида Садир Ваққос каби авлиё ва алломаларимизнинг мақбаралари тикланди, йирик мажмуалар қурилди. Бу рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси диққатга сазовар, тарихий аҳамиятга молик, маънавиятимизнинг тарихий илдизларидан далолат берувчи обидалардир. Аммо бу обидалар туристик маршрутга, диққатга сазовор объект сифатида киритилмаган. Бу жойларга фақат ерлик

аҳоли зиёратга борадилар, холос. Ўша жойларнинг тарихини, унинг барча қирраларини аҳолига тушунтириб берадиган гитларнинг йўқлиги ҳам бу жойларнинг туристлар эътиборидан четда қолиб кетишига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Демак, туризм комплексини ривожлантиришда асосий йўналишлардан бири унга хизмат қиладиган кадрлар салоҳиятини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг ичида халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатадиган сервис соҳаси, гитлар каби мутахассисларга алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун турли йўллар, восита ва омиллар борки, улардан тадбир билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг шакли ушбу чизмада келтирилган (5-чизма).

**Туризмни ривожлантириш йўллари ва омиллари**

- Туризмга хизмат қилувчи соҳаларни ривожлантириш
  - Ҳаво, темирйўл, сув ва автомобил йўлларини
  - Савдо ва умумий овқатланиш соҳасини
  - Маиший хизмат ва меҳмонхоналарни
- Тарихий обидаларни асраб-авайлаш, янгиларини барпо этиш ва эскиларини реконструкция қилиш
  - Мамлакатимиздаги кўпгина тарихий обидаларни асл ҳолига келтириш
  - Буюк зиёратгоҳларни янгидан барпо этиш (Имом ал-Бухорий, Мотрудий, Ал-Фарғоний каби)
  - Тарихий обидаларни реконструкция қилиш қайта таъмирлаш (Шоҳи Зинда мажмуи, Хожа Аҳрори Вали мақбараси ва масжиди, Ат-Термизий мажмуаси кабилар
- Ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар салоҳиятини барпо қилиш
  - Олий ўқув юртларида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш
  - Касб-ҳунар коллежларида кичик кадрларни тайёрлаш
  - Хорижий мамлакатларда малакасини ошириш
- Мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш
  - Терроризм хавфини бартараф қилиш
  - Аҳолининг тинчлигини, турли ички низоларнинг бартараф қилинишини таъминлаш
  - Туристларнинг, уларнинг мулкининг хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш
  - Туристларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши ва амалга оширилиши
- Туризмни тарғиб қилувчи рекламани йўлга қўйиш
  - Туризм бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш
  - Ижтимоий рекламаларни кўча ва ҳиёбонларда ташкил қилиш
  - Турли буклетлар плакатлар нашр қилиб тарқатиш

***5 – Чизма. Туризмни ривожлантириш учун айрим йўналишлар***

# 1.7. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти

Ўзбекистон, таъкидланганидек, катта туристик салоҳиятга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари, БМТ қошидаги ЮНЕСКОнинг бутун дунё тарихий ва маданий мероси рўйхатига киритилган. Мамлакатимизда фақатгина тарихий, маданий, меъёрий, архиологик аҳамиятга эга бўлган туристларни жалб қилиш мумкин бўлган объектлар сони 7,0 мингдан зиёдни ташкил қилади. Улардан 545 таси меъморий, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат, 5500 таси архиологик обидалардир. Улардан туристик объект сифатида қамраб олингани атиги 140 та[4]. Бу кўрсаткич бор-йўђи 2,0 фоизни ташкил қилади, холос. Қолган туристик объектлар, қимматли обидалар ҳақида реклама ҳам, аниқ маълумотлар ҳам етарли эмас. Демак, кўриниб турибдики, ҳали бу борада анча ишларни амалга ошириш лозимга ўхшайди. Бунда тарихчи, архиолог, қадимшунос каби олимларнинг ҳам хизматлари етарли бўлиши лозим.

Тўђри, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги туристик объектларнинг 200 тасида рестоврация ишлари кетмоқда, 500 таси эса қайта таъмирлаш ва рестоврацияга муҳтож. Бу ишлар учун ҳам давлат бюджетидан миллиардлаб маблађ ажратилмоқда. Лекин бу соҳа фақат бюджетга кўз тикиб қолиши мумкин эмас. У ўзини-ўзи маблађ билан таъминлаш билан бирга, қаттиқ валюта ва нақд пул тушумини кўпайтирадиган соҳага ҳам айланмођи лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина мамлакатларда рестоврация (қайта тиклаш) жараёни ҳам туристик объект сифатида фойдаланилади. Бунда ушбу объектнинг асл ҳоли лойиҳаси, бугунги аҳволи, қайта тиклаш жараёни ва қандай бўлиш кераклиги кўрсатилади. Албатта бу ҳолатлар тарихий объектлар учун муҳим ҳисобланади. Бу эса туристларни ўзларига жалб қилиши табиий.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти катта эканлиги билан бирга, уларнинг айрим шаҳарлари ўта диққатга сазовордир. Масалан, туристларнинг кўриши мумкин бўлган объектлар сони бўйича Хива шаҳари биринчи ўринда туради. Унда 310 та объект,

---

[4]Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. // Экономический вестник Узбекистана. № 3-4, 2004. – 61 бет.

иккинчи ўринда Бухоро шаҳри бўлиб, унда 221 та объект, Тошкент шаҳарида 144 та ва Самарқандда 118 та объект мавжуд[5].

Ушбу мавжуд туристик объектлардан ташқари яна бир қанча объектларни барпо қилиш мумкин. Биргина Самарқанд вилоятини оладиган бўлсак, унинг Ургут, Омон-қўтон, Оҳалик, Миронқул каби манзарали тоғ-даралари борки, бу жойларга пиёда маршрутларни ташкил қилиш мумкин. Аммо бундай салоҳиятга қўл урилган эмас.

Албатта ёз фаслларида шу даралларда одамлар жуда гавжум бўлади. Лекин булар ўз ихтиёри билан борган дам олувчилардир. Ташкилий тарзда бу тоғ манзараларига саёҳатлар уюштириш ҳамон йўлга қўйилмаган. Бундай объектлар Жиззах вилоятининг Бахмал, Зомин, Фориш туманларида, водий вилоятларида, Тошкент вилоятининг кўплаб манзарали туманларида ҳам мавжуддир. Гап уларни ишга солиб, аҳоли ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун фойдаланишда.

Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда шарқона бозорнинг ривожланганлигидадир. Бу объектлар ҳам кўп жиҳатдан ўзимизга хос бўлиб, бошқа худуддан келган туристларни қизиқтириши табиий. Бу жойлар туристларнинг томошаси учун тайёр жойлардир, фақат уларни туристик маршрутга киритиб ташкил қилишда. Бозорларни туристик объектларга киритилиши икки жиҳатдан фойда. Биринчидан, туристларга ўзимизнинг бой неъматларимизни кўрсатиш имконияти туғилса, иккинчидан, шарқ ширинликларини сотиш имконияти ҳам туғилади ва хорижий валюта тушумини таъминлайди. Бу учун ҳар бир туристик объектга киритилган бозорнинг бевосита кўринарли жойида пул алмаштириш шаҳобчаларини ҳам ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бизда туристларга кўрсатиладиган сервис хизмати жуда паст даражада. Биргина мисол, айрим мутахассисларнинг тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга келган туристларнинг 60 фоизи бу ерга фақат сервис хизматининг пастлиги эвазига қайтиб келмаслигини билдирган[6]. Бу кўрсаткич ҳам ҳали бизда

---

[5] Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. // Экономический вестник Узбекистана. № 3-4, 2004. – 61 бет.

[6] Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. // Экономический вестник Узбекистана. № 3-4, 2004. – 61 бет.

сервис хизматини яхшилаш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш лозимлигидан далолат бериб турибди. Бу йўналиш бўйича биринчи галда кадрлар масаласини ҳал қилиш лозим. Албатта бу бўйича айрим ишлар қилинди. Хусусан, Самарқандда туризм коллежи очилди, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил қилиниб, унда сервис, туризмга оид бакалавр ва магистрлар тайёрлашга киришилди. Аммо бу кенг кўламли туристик хизматлари учун етарли эмас. Бу соҳага кадрларни турли мулк шаклларига эга бўлган ўқув юртлари тайёрлаши мақсадга мувофиқ. Унда ҳақиқий эркин рақобат вужудга келади ва ҳар бир ўқув муассаси ўз кадрининг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навтабида, кадрлар тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигининг ошишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундай жараёнда тайёрланган кадрлар, табиийки, жуда кўп сифат кўрсаткичларига эга бўлади ва туризмда сервис хизматининг юқори даражага кўтарилишига асосий омил бўлади.

Мамлакатимизда 300 дан зиёд курортлар, 40 дан зиёд сиҳатгоҳлар, юзлаб дам олиш уйлари мавжуд[7]. Аммо бу объектларнинг аксарияти туризм соҳасига жалб қилинмаган. Бироқ, жуда кўп курортларимиз ажойиб хушманзара жойларда жойлашгани билан бирга кўпгина касалликларга даво ҳамдир. Лекин таъкидлангандек, рекламанинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, туристларнинг ушбу жойларга умуман жалб қилинмаганлиги бирорта курорт объектларини халқаро майдонга, дам олиш зонасига айлантира олган эмасмиз. Бу ҳам ҳали анча ишларни амалга ошириш лозимлигидан далолат беради.

Бизнинг мамлакатимизга туристик йўл билан келиш истагини билдирган хорижликларнинг сони 10,0 млн. кишини ташкил қилади. Бу жуда катта имконият, эндиги вазифа ана шу имкониятдан оқилона фойдаланишда.

Ўзбекистоннинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, ундан «Буюк ипак йўли» ўтган бўлиб, унинг маркази ҳам шу ҳудуд ҳисобланади. Агар буни тиклаб «Буюк ипак йўли бўйлаб» деган битта маршрут ташкил қилинса, бу ҳам туристларни жалб қиладиган катта имконият ҳисобланади.

---

[7] Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. // Экономический вестник Узбекистана. № 3-4, 2004. – 61 бет.

Хуллас, туризмни ривожлантирши учун мамлакатимиз салоҳияти беқиёс. Ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, туризм индустриясини қарор топтириш мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган асосий соҳалардан бирига айланиши табиий.

Мамлакатимизнинг туристик салоҳияти шу қадар юксак ва рангбаранг-ки, ундан фақат шу мақсад учун оқилона фойдаланиш лозим. Буларнинг асосийлари ушбу чизмада келтирилган (6-чизма).




***6 – чизма. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти.***

Мазкур чизмада кўриниб турибдики, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун йўналишлар томоша ва ўрганадиган объектлар кўлами жуда кенг. Бундан туристик дам олишдан тортиб пиёда саёҳатгача, оддий кўздан кечиришдан тортиб илмий экспедициягача бўлган жараёнлар қуршовида бўлади.

# 2-Боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 2.1. Туризмни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига асосий эътибор мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1992 йил 27 июлда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонига имзо чекди. Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 20 октябрида «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида»ги 424-сонли қарорини қабул қилди. Бу ҳужжатлар мамлакатимизда миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлдилар. Шундай қилиб, мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ ўзимизда туризм соҳаси бўйича мустақил миллий ташкилот барпо қилинди.

Мазкур ташкилот энди ўз уставига эга бўлиши керак эди. Бу борада ташкилий гуруҳ мазкур ҳужжатни ҳам тайёрлади ва 1993 йилнинг 15 февралида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» 82-сонли қарорини қабул қилди. Бу ҳужжат миллий туризмнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб, асосий фаолият доирасини белгилаб берди.

Аста-секинлик билан мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланиб, у халқаро майдонга, бутун жаҳон ҳамжамияти билан алоқага чиқди. Шундай қилиб Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари кетма-кет равишда қабул қилина бошланди. 1995 йил 2 июнда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги УП-1162 фармони эълон қилинди. Шу йилнинг 3 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзРда халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш чоралари тўғрисида»ги 210-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу фармон ва ҳукумат қарорлари миллий туризмнинг халқаро майдонга чиқиши учун етарли даражада меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу тадбирлар учун бизда

тегишли асослар мавжуд эди. Зеро, мамлакатимиз бой туристик ресурсларга эгадир. Унинг табиий иқлими, соғломлаштириш масканлари, тарихий ва маданий обидалари, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари албатта хорижлик меҳмонларни қизиқтириши табиий. Бундан ташқари туризм соҳаси, иқтисодиёт учун муҳим тармоқ ҳисобланиши билан бирга давлатлар ўртасида маданий-маърифий муносабатларни мустаҳкамлайди, халқлар ўртасида эса дўстлик ришталарини боғлайди.

Ушбу соҳа ўзи - муҳимлиги туфайли Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келди. 1999 йил 15 апрелда Президентнинг «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги УП-2286-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармон мамлакатимизда миллий туризмни ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаб берди. Шундай қилиб мамлакатимизда миллий туризм ривожланиши учун яна бир муҳим давлат Дастури қабул қилиндики, бу ушбу соҳанинг ривожи учун муҳим босқич бўлди.

Энди шундай вазият етилдики, туризм соҳаси бўйича тўпланган тажрибалар ушбу соҳа учун махсус қонун қабул қилишни тақозо қилди. Шундай қилиб, 1999 йил 20 августда ЎзР Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ЎзР Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарори билан матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу қонун 22 моддадан иборат бўлиб, шу соҳанинг барча қисмларининг асосий йўналишларини ўзида қамраб олган.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун хорижий мамлакатлардан инвестициялар ҳам кириб кела бошлади. Натижада 2000 йилнинг 17 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд шаҳрида «Афросиёб» меҳмонхонасини, Бухоро шаҳрида «Бухоро»

меҳмонхонасини бошқаришни хорижий менежментга бериш тўғрисида»ги 449-сонли қарори қабул қилинди. 2001 йилнинг 16 мартида «ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 ноябрда қабул қилинган 449-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 131-сонли қарори қабул қилинди. Бунда хорижий инвесторларнинг иштироки ушбу соҳада янада кенгайгани эътироф этилган. Шундай қилиб мамлакатимизда мустақил бўлган йирик бир соҳа шаклланди. Ҳозирги пайда «Ўзбектуризм» МКга қарашли 32 та хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг кўплари хорижий туристик фирмалар билан бевосита ҳамкорлик қилиб шартнома асосида иш юритмоқдалар.

Туризм соҳаси бўйича мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати бирқанча фармон ва қарорларини эълон қилди. Уларнинг асосийлари ушбу жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасини қарорлари**

| № | ЎзР Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари | Санаси ва тартиб сони | Номи |
|---|---|---|---|
| 1. | ЎзР Президенти Фармони | 1992 йил 27 июл | «Ўзбектуризм» Миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» |
| 2. | Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли қарори | 1992 йил 20 октябр | «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида" |
| 3. | 82-сонли қарори | 1993 йил 15 феврал | «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида" |
| 4. | Президент УП-1162 фармони | 1995 йил 2 июнда | «Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида" |
| 5. | Вазирлар | 1995 йил | «ЎзРда халқаро туризмнинг |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | маҳкамасининг 210-сонли қарори | 3 июн | замонавий инфратузилмасини яратиш чоралари тўђрисида» |
| 6. | Президент УП-2286-сонли фармони | 1999 йил 15 апрел | «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури тўђрисида» |
| 7. | ЎзР Олий Мажлиснинг қарори | 1999 йил 20 август | «Туризм тўђрисида» ги Ўзбекистон Республикаси ўонунини амалга киритиш ҳақида» |
| 8. | Вазирлар Маҳкамасининг 449-сонли қарори | 2000 йил 17 ноябр | «Самарқанд шаҳрида «Афросиёб» меҳмонхонасини, Бухоро шаҳрида «Бухоро» меҳмонхонасини бошқаришни хорижий менежментга бериш тўђрисида» |
| 9. | Вазирлар Маҳкамасининг 131-сонли қарори | 2001 йил 16 март | «ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 ноябрда қабул қилинган 449-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўђрисида» |

## 2.2. Туризмга оид асосий тушунчалар

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўђрисида»ги қонунида (1999 йил 20 август) туризмга оид асосий тушунчалар берилган. Чунки ушбу асосий тушунчалар туризм соҳасида қўлланилади ва тегишли адабиётларда, қонун, низом ва йўриқнома каби меъёрий ҳужжатларда ҳам ишлатилади. Бу эса ана шундай атамаларни билишни тақозо қилади. Булар қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1-чизма).

| | |
|---|---|
| Туризм → | Жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан сођломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуђулланмаган ҳолда узођи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) |
| Турист → | Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс |

| | |
|---|---|
| Туристик фаолият | Ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига муофиқ саёҳатларни ва улар билан бођлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият |
| Экскурсия фаолияти | Туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовар жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми |
| Туристик ресурслар | Тегишли ҳудудлар табиий-иқлим, сођломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуи |
| Туристик фаолият субъектлари | Белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан бођлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар |
| Туристик индустрия | Туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи |
| Тур | Муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат |
| Туристик хизматлар | Туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар |
| Туристик гуруҳ раҳбарлари | Туристик фаолият субъектларининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамроҳлик қилувчи, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс |

| | |
|---|---|
| Гид (экскурсия етакчиси) | Тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экскурсия-ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва малакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс |
| Туристик фаолиятни амалга ошириш учун лецензия | Туристик фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи махсус рухсатнома |
| Сертификат | Туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат |

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг қонунида туризм соҳасига хос атамаларнинг таърифи берилган. Ушбу таърифлар мазкур соҳани тушуниш тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро ушбу тушунчаларга назарий ва амалий жиҳатдан аниқлик киритиш, шу соҳа бўйича қонуни ўзгартиришлар киритиш натижасида унинг такомиллашишига олиб келади.

## 2.3. Туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Туризм соҳасида давлат сиёсати бевосита унинг ўзига хос тараққиёт йўлидан келиб чиқади. Бунда асосан соҳанинг эркинлиги, унга давлатнинг кўмаги, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига алоҳида эътиборнинг қаратилиши, ушбу соҳага ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиши каби йўллар билан туризм индустриясини ривожлантиришга эришиш кўзда тутилган.

«Туризм тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатилган. Мазкур қонунда таъкидланишича ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. **Туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш.** Бунинг мазмунида шундай сиёсат ётибдики, туризмни

ривожлантириш учун туристик индустрияни, яъни туристларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналарни, туристик комплекслар, кемпинглар, понционатлар, умумий овқатланиш ва савдо шахобчалари, транспорт корхоналари, маданият ва спорт муассасалари каби туристик объектларни халқаро андозалар даражасида ҳозирлашни тақозо қилади. Бу жараён қайси мулк ҳисобидан амалга оширишдан қатъий назар, давлат ўзининг шу соҳага оид ташкилотлари орқали мувофиқлаштириб, кўмаклашиб туради. Туристик объектлар қанча бўлмасин туристик индустрия ривож топмаса туризмни ривожлантириш тўђрисида қилинган барча ҳаракатлар бефойда. Чунки, мамлакатимизни ҳавас қилиб келган турист, агар туризм хизмати жойида бўлмаса қайта келишни орзу қилмайди ва ўз танишларига ҳам бу жойга бормасликни тарђибот қилади. Бу туристларни қабул қилувчи мамлакат учун жуда қимматга тушиши табиий.

2. **Фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтида дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларни таъминлаш.** Бунда, энг аввало, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш катта салоҳият касб этади. Чунки хавфсизлик таъминланмаган жойда эркинлик ҳам, дам олиш ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Бу ҳам давлат ҳудудидаги туристларнинг ҳаммаси учун дахлдордир. Чунки туристларга давлат, нодавлат, хусусий туристик фирмалар хизмат қилиши мумкин. Лекин мулк шаклидан қатъий назар, давлат туристларнинг эркин ҳаракати ва хавфсизлигини таъминлашни, қонун билан ўз зиммасига олган. Бу туризмнинг ривожланиши учун асосий омиллардан биридир.

3. **Туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш.** Мамлакатимизда туристик ресурсларнинг, яъни туристлар қизиқиб кўрадиган тарихий ва маданий обидаларнинг, маърифий, ижтимоий-маиший объектларнинг, бетакрор табиати, иқлими ва ландшафти кабиларнинг мавжудлиги ўзи бир Оллоҳнинг инъоми. Уни асраб-авайлаш ҳар бир авлоднинг муқаддас фуқаролик бурчидир. Ушбу обидаларнинг кўпи неча асрлардан буён бизгача етиб келган. Биз ҳам буларни келгуси авлодларга яхши сақланган ҳолда етказишимиз керак. Бу эса мазкур объектларни асраб-авайлаб, улардан оқилона фойдаланишни тақозо қилади. Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни авайлаб-

асраш борасида мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларининг амалга ошганлиги бежиз эмас.

4. **Туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш**. Давлатнинг бу сиёсати бевосита унинг ўзига боғлиқ. Чунки ҳар қандай қонун ёки меъёрий ҳужжат давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, тартиб қоидасига амал қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан қаралса, давлат барча меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларни муттасил равишда такомиллаштириб бориши лозим. Ҳозирги вазият шуни кўрсатмоқдаки, бу борада давлат ўз вазифасини аъло даражада адо этиб келмоқда. Ҳозирги пайтда туризм тўғрисидаги қонун қабул қилинган, Президентнинг ўнлаб фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинган. Бу ҳам кўрсатадики, ушбу соҳада меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

5. **Болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш** ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Бу бевосита мамлакатимизда шаклланаётган ижтимоий ҳимояга асосланган бозор муносабатларини қарор топтириш мақсадидан келиб чиқади. Зеро, ушбу гуруҳга киритилган аҳоли қатлами асосан давлат кўмагига муҳтож аҳоли қатламидир. Аҳолининг мазкур қисми мамлакат иқтисодий тараққиётининг ривожланиб бориши билан қисман камайиб боради. Аммо бутунлай барҳам топмайди, чунки аҳолининг аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар, болалар доимий равишда бўлади, ёшлар ҳам улғайиб келаётган авлод сифатида ҳамиша мавжуд, ногиронларнинг ҳам мавжудлиги муқаррар. Ниҳоят кам таъминланган аҳоли қатлами аста-секинлик билан камайиб бориши мумкин. Бу вазият давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида кучли ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсатни юритишни тақозо қилади. Бу сиёсатнинг бевосита утризмга ҳам жорий қилиниши давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоянинг изчиллигидан далолат беради.

6. **Туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш сиёсати.** Бу сиёсат ҳам мамлакатимизда туристик объектларни яхши ҳолатда ушлаб туриш ва уларни ривожлантиришга қаратилган. Бу соҳада мустақиллик

йилларида жуда кўп туристик объектига мансуб иншоатлар қурилди. Булар жумласига Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси, Имом Мотрудий мақбараси, Ғовсул Аъзам қадамжоси, Хўжа Аҳрори Вали мақбарасининг қайта таъмирланиши, Ал-Фарђоний, Марђиноний, Амир Темур каби буюк зотларга қўйилган ёдгорликларни киритиш мумкин. Бу объектларнинг барпо этилиши ва таъмирланиши учун мисли кўрилмаган даражада инвестициялар жалб қилинди. Зеро, ушбу аждодларимизга қўйилган ёдгорликлар нафақат туристик объект сифатида қад кўтармоқда, балки, энг муҳими, биз ўз тарихимизни ўрганиб ўзлигимизга қайтмоқдамиз. Бу эса мустақил тараққиёт йўлини тутган ва ўзига ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаганлигини тараннум этишга қаратилган давлатнинг сиёсатидир. Бу сиёсат барча энг муҳим сиёсатлар сингари устувор сиёсатдир.

7. **Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш** сиёсати ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги муҳим йўналишлардан биридир. Барча соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам давлат ташкилотлари билан биргаликда нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий қисмини хусусий ёки аралаш мулкка асосланган тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади. Бу субъектларга тегишли шароит яратиб бериш, уларнинг эркинлигини, мулкий муносабатларда дахлсизлигини таъминлаш каби тадбирлар туризм соҳасида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг ривожланиши учун асосий омиллардан бирини яратиш имконини беради.

Мамлакатимизда амал қилаётган «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўђрисида»ги қонун (2000 йил 25 май) ҳам тўласинча мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бел бођлаган тадбиркорларга ҳам дахлдор. Бундан ташқари, туризм соҳасида тадбиркорлик билан шуђулланадиган субъектларга қўшимча равишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар «Туризм тўђрисида»ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, бу соҳада туризмни ривожлантиришда давлат ўз сиёсатини амалга ошириш учун уларнинг фаолиятида эркинликни таъминлаш борасида тегишли меъёрий ҳужжатлар пакетини яратиб қўйган.

8. **Туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилиниши таъминлаш** ҳам бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Зеро, ҳар қандай турист бир жойдан иккинчи жойга боришга, асосан ўзининг ҳар томонлама хавфсизлиги таъминланган бўлсагина, қарор қабул қилади. Туристлар томоша қилувчи, дам олувчи сифатида ўзларининг қонуний манфаатларига эга бўлиши, мол-мулкининг дахлсизлиги таъминланишини хоҳлайди. Бу учун эса туристларни қабул қилувчи мамлакат ушбу шароитларни тўлиқ яратган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан давлатимизнинг мазкур сиёсат йўналиши айнан туристларнинг шу муҳим талабларини қондиришга қаратилган. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, айниқса бугунги, дунёда халқаро терроризм балосининг кучайган пайтида ўта муҳимдир. Бу тадбир ўз навбатида туристларни кутиб олиш, олиб юриш ва кузатишда туристик фирмалар ходимлари билан бирга миллий хавфсизлик ва ички ишлар хизматларидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

9. **Туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш** ҳам давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки, соҳа ҳам ўта мураккаб соҳа. Уни кўр-кўрона ривожлантириб бўлмайди. Бу соҳани иқтисодиётнинг асосий қисмига айлантириш ва тегишли фойда олишга эришиш учун уни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Туризмнинг ривожланиши учун мамлакатимизда унинг илмий асоси яратилмоқда. Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелда қабул қилинган «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил қилиш» тўђрисидаги қарори ушбу соҳа ривожининг илмий асосини яратди. Мазкур қарор билан шу институтга «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм хизматлари операторлиги» каби ўқув йўналишлари бўйича бакалавр тайёрлаш, 2008 йилдан магистратура очил ва илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун эса аспирантура ҳамда ихтисослашган Кенгаш очиш масалалари юклатилди.

Булардан кўриниб турибдики, давлатимиз туризмни ривожлантириш, уни илмий асосда йўналтириш, фаолиятини муттасил такомиллаштириш учун тегишли чораларни кўрмоқда.

Давлатимизнинг бу сиёсати шу соҳа учун кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш билан уйғунлашиб кетади. Шу туфайли ушбу соҳага ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

10. **Туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. 2004/2005 ўқув йилига қадар мамлакатимизда фақат «Туризм» ўқув йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланар эди. Шу ўқув йилидан бошлаб, таъкидланганидек, «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги» ва «Туризм хизматлари операторлиги» бўйича ҳам кадрлар тайёрланадиган бўлди. Олдин туризм соҳасига кадрлар фақат ихтисослашган коллежларда тайёрланадиган бўлса, эндиликда 2004 йилдан бошлаб олий ўқув юртларида ҳам тайёрланадиган бўлди. Кўриниб турибдики, бу соҳага ҳам давлатимиз ҳар томонлама эътибор бериб келмоқда.

11. Давлат ўз зиммасига **чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш** масаласини ҳам олган ва бу йўналиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тарихий обидаларга бой Шахрисабз шаҳрида меҳмонхона қуриш бўйича Полшанинг «Будимекс» ҲЖ билан кантракт имзоланди. Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Рашид Уммон билан, Франциянинг интерфрансмедия корреспонденти Королина Матео ва Либерти ТВ вице Президенти Жое Ламбертлар билан туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида музокаралар олиб борилди.

2004 йил июн ойида Ўзбекистон Ҳукумати делегацияси Малайзияга ташриф буюрди. Бошқа иқтисодий масалалар билан бир қаторда, туризм соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиш истиқболлари кўриб чиқилди. Ташриф давомида Малайзиянинг кўпгина туристик фирмалари билан учрашувлар, музокаралар ўтказилди ва Малайзиялик туристларни кичик ҳаж амалларини бажариш мақсадида Самарқанд ва Бухородаги Имом ал-Бухорий ва Нақшбандий мажмуаларига сафарга юбориш тўғрисида келишиб олинди. Бу тадбир 2005 йилдан йўлга қўйилиши мумкин.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва унга қарашли туристик фирмалар Япония, Россия, Германия, Европанинг бир

қанча мамлакатлари, Шарқий Осиёдаги давлатлар билан ҳамокрлик қилмоқда ва бу ҳамкорликни кенгайтириш борасида иш олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланди. Булар қуйидаги чизмада ўз аксини топган (2-чизма)



*2- чизма. Туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари*

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, туризм соҳаси мамлакатимизда келажакда катта истиқболга эга бўлган соҳалардан бирига айланади. Зеро, давлат сиёсати айнан шунга қаратилган.

## 2.4. Туризм соҳасида Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш масаласининг муҳимлигидан келиб чиқиб, бу соҳани тартибга солиш учун давлатнинг бирқанча органларига ваколатлар берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси барча соҳалар сингари ушбу соҳа учун ҳам қонунлар яратиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга. Бу ваколатни Олий Мажлис муваффақиятли бажариб 1999 йилнинг 20 августида «Туризм тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу соҳада фаолиятни яхшилаш ва ривожлантириш учун Фармон ва Фармойишлар бериш ваколатига эга. Мустақиллик йилларида Президентимиз шу соҳага даҳлдор учта Фармонни эълон қилди. Булар 1992 йил 27 июлда эълон қилинган «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида», 1995 йил 2 июнда «Буюк ипак йўлини тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштироки ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш чоралари тўғрисида», 1999 йил 15 апрелда «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» каби Фармонлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти барча соҳалар сингари туризм соҳасига ҳам етарли даражада аҳамият бериб, унинг равнақи учун тегишли шароит яратиш борасида барча зарур чораларни кўрсатиб бермоқда.

Туризмни ривожлантиришда республика хукуматининг ҳам жуда катта ваколатлари бор. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги ваколатларга эга.

1. **Туризмни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлаш** мазкур ташкилотнинг энг муҳим ваколатларидан

биридир. Бу ваколат Вазирлар Маҳкамасига қонун йўли билан туризмни ривожлантириш учун масъуллиги белгиланган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг Давлат дастури 2000-2005 йилларга мўлжалланган бўлиб 1999 йил 15 апрелда тасдиқланган. Энди унинг навбатдаги босқичи ишлаб чиқилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг **туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилаш** ваколати ҳам муҳимдир. Чунки, турли мулк шаклига асосланган туризм соҳаси бўйича шуђулланадиган тадбиркорлар фаолияти мувофиқлаштирилган, улар маълум талабларга жавоб берадиган ва ниҳаят умумий ҳисобда турадиган бўлиши лозим. Бу тадбир туристик фаолият билан шуђулланувчи субъектларга лицензия бериш орқали амалга оширилади. Лекин ленцензия бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бу degани туризм билан шуђулланувчи тадбиркорлага лицензияни Вазирлар Маҳкамаси беради degани эмас, бу ташкилот фақат унинг тартибини тасдиқлайди ва тегишли ташкилотга юклайди. Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмасига биноан ваколатли орган тегишли лицензия бериши мумкин.

3. **Туристларнинг бориши таъқиқланадиган объектлар ва ҳудудларни белгилайди.** Мамлакатимизнинг барча объектлари ва худудлари маълум даражада сир сақланиши, туристларнинг хавфсизлиги нуқтаи назардан ҳам зарурдир. Зеро, бу объектларга бориш ҳам маълум даражада тартибга солинган бўлиши керак, чунки туристик фаолият билан шуђулланувчи ҳар қандай фирма учун ўзбошимчалик қилиш имкони ҳам чекланади. Бу давлатимиз ва бевосита, туристларнинг нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

4. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида **туристларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини ҳам белгилайди**. Бу ваколат ҳам туризмга давлат сиёсатидан келиб чиқади, зеро болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини имтиёзли равишда саёҳат қилишларини ташкил қилиш ва уларга тегишли шароит яратиб бериш ҳам туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига киради. Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг айрим тоифаларига имтиёзлар беришини белгилаши туризм билан

шуғулланувчи турли фирма ва компанияларнинг бу борада ўзбошимчалик қилишига йўл қўймайди.

5. **Ҳукуматлараро шартномалар тузиш** ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига кирадиган тадбирлардан биридир. Туризм билан шуғулланувчи, турли мулк шаклига эга бўлган фирма ва компанияларнинг қайсидир мамлакатлар билан эркин муносабатда бўлиши учун шу давлат билан Ўзбекистон Ҳукуматининг тегишли шартномаси бўлиши керак. Ҳукуматлараро шартномани тузишга ваколат фақат Вазирлар Маҳкамасига берилиши ҳам буни давлат доирасида ҳал қилинишини кўрсатади. Бу ҳам давлатимизнинг туризм соҳасидаги сиёсати йўналишларидан келиб чиқмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Делегацияси қайси мамлакатга бормасин у билан бўладиган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий муносабатлар билан бирга албатта туризм соҳасида ҳам тегишли шартномалар тузиб келмоқда. Бу ҳам кўрсатади туризм соҳаси давлатимизнинг катта эътиборида турибдилар.

6. Вазирлар Маҳкамаси давлатнинг ижро этувчи ҳокимияти сифатида туризм соҳаси бўйича **қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади**. Кўриб турганимиздек, қонунда Вазирлар Маҳкамасига ҳам ўзбошимчалик қилиш ваколати берилган эмас. Бу ташкилотга ҳам қонун хужжатларига мувофиқ тегишли масалаларни ҳал қилади. Бу дегани Вазирлар Маҳкамаси туризм соҳаси бўйича хоҳлаган ишини қилаверади дегани эмас, балки у олдин меъёрий хужжатларни (қарорлар, Фармойишлар, Низомлар, йўриқномалар) қабул қилиб, тасдиқлаб кейин шу қонуний хужжатлар асосида мазкур соҳани тартибга солади.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари ҳам қонун билан белгилаб қўйилган. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (3-чизма).






***3-Чизма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари.***

Юқорида қайд қилганлардан ташқари туризм соҳасида ваколатли органлар ҳам мавжуд. Бу орган мамлакатимизда «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлардир. Мазкур давлат органларининг ваколатлари қуйидагилардан иборат (4-чизма).




***4-Чизма. Ваколатли давлат органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари***

Бундан ташқари туризм соҳаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти (вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари) органлари ҳам ўз ҳудудида маълум ваколатларга эга. «Туризм тўқрисида»ги қонуннинг 7-моддасида «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қиладилар» дейилган.

Бу ваколат «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг ҳар бир ҳудуддаги бўлинмалари ва ташкилотлари томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг кўргазмаси ва раҳбарлигида амалга оширилади. Бу жараёнга ҳокимиятнинг аралашуви туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш уларга тегишли шароит яратиб берилишига кўмаклашиш, назорат қилиш каби масаларнинг ҳал қилинишида муҳим рол ўйнайди. Шу туфайли, туризм соҳасини бошқаришда давлат органларининг барча бўђини иштирок этади. Келажакда бу соҳа ҳам аста-секинлик билан такомиллашиб эркинлаштирилиб борилади.

## 2.5. Туристик фаолиятни лицензиялаш ва сертификациялаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатларидан бири туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилаш деб кўрсатилган. Зеро, мамлакатимизда туристик фаолият лицензия асосида амалга оширилади. Чунки, туризм соҳаси ўта нозик, мамлакат, миллат нуфузи билан бођлиқ масаладир. Бу хизмат билан хоҳлаган (дуч келган) одам шуђулланишига йўл қўйилмаслиги лозим. Чунки туризмдаги хизмат етарли даражада юқори бўлмаса ёки туристларга нисбатан айрим ножўя ҳаракатлар содир этилса мамлакатимизнинг ҳам, миллатимизнинг ҳам нуфузи тушиб кетади. Туристик хизматдан қониқмаган турист ўз мамлакатида биз ҳақимизда салбий ахборотлар тарқатади.

Ҳар қандай мамлакат аҳолиси бошқа давлатнинг жозибадор рекламасига нисбатан ўзларининг ахборотига кўпроқ ишонади. Бу эса ўша мамлакатда катта маблађ сарф қилиб реклама қилсангиз

ҳам туристларни жалб қилиш бироқ мураккаблашади. Шу туфайли ҳар қандай туристик хизмат бизда «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг 10 – моддасига биноан сертификатланади.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш мажбурий тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай тартибни, таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва шу соҳа бўйича ваколатли давлат органи ишлаб чиқади.

Қонунда таъкидланишича, туристик фаолият субъектининг туристик хизматларини мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортса, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлса бундай субъектларнинг туристик фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди. Зеро, матив мазкур туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектга берилган лицензияни муддатидан олдин тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан уни маҳрум қилишга сабаб бўлади. Шу туфайли, ҳар бир туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар юқори даражада туризм хизматини кўрсатиш учун тегишли шароитларни яратишлари лозим.

Туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар хизматининг асосини туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматини кўрсатиш, уларга ахборот-реклама хизматини уларнинг ўз тилида амалга ошириш, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб бошқа хизматларни ҳам юқори савияда амалга ошириш кабилар ташкил қилади.

Туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларга бериладиган лицензия ва сертификат бир-биридан фарқ қилишини инобатга олиш лозим.

Туристик хизматлар шароитини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи, тегишли ваколатли давлат органлари томонидан берилган ҳужжат **сертификат** деб аталади.

Туристик фаолиятни амалга оширишга берилган ҳужжат **рухсатнома** (лицензия) деб айтилади. Бу ҳужжат ҳам Вазирлар маҳкамаси тасдиқлаган тартибга биноан ваколатли давлат ёки нодавлат ташкилотлари томонидан берилади.

Бу икки тушунча бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар ва ҳужжатлардир. Агар туризм фаолияти билан шуғулланувчи

субъектнинг туризм хизматлари учун тегишли сертификати бўлмаса лицензия бекор қилинади. Аммо лицензияси бўла туриб туристик хизматлари тегишли сертификат талабига жавоб бермаса ҳам унинг фаолияти тўхтатилади ва ҳакозо.

Туристик хизматларни амалга оширувчи субъект бу фаолият билан шуђулланиши учун лицензия ва туристик хизматларига сертификати бўлсагина туристик хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Зеро, ҳар қандай туристик хизмат шартнома асосида амалга оширилади.

Шартномада туристик субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифати, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳақ тулаш ва ҳисоб-китоблар тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати, унинг шартларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлиги, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартлар ҳам кўрсатилади.

Туристлар билан туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар айнан ўзаро тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Шу жиҳатдан туризм соҳасида қўлланиладиган шартномалар ҳам бошқа соҳаларники сингари ўзининг амал қилиш муддати давомида бажарилиши лозим бўлган қонуний нормаларни ўзида акс эттирган ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Туристларнинг туризм хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат туристик йўлланма (ваучер) бўлиб ҳисобланади. Туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади. Шу учун, туристик йўлланма (ваучер) деганда туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тушунилади.

Бундай йўлланмаларнинг қалбакилаштирилишининг олдини олиш мақсадида унинг шакли туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади. Шунингдек, бу ҳужжатнинг бир жойда тайёрланиши шу соҳа бўйича ҳисоб-китоб қилиб боришини ҳам осонлаштиради.

Агар шартномада қайд этилган шартлардан бирортаси томонларнинг айби билан бажарилмасдан қолса, улар ўртасида

низо келиб чиқса, бундай низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туризм тўђрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан шартнома шартлари бузилса, бузганликда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Жавобгарликнинг ҳолати қилинган ҳатти ҳаракатлар, яъни қонунбузарликнинг даражасига қараб уни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Бу ҳам кўрсатадики, туризм соҳасига шунчаки, енгил елпи қараб бўлмас экан.

Туризм соҳаларини лицензиялаш ва сертификациялаштириш ҳам бежиз қабул қилинмаган. Бу хужжатлар мазкур соҳани маълум даражада тартибга солиш билан бирга субъектлар масъулиятини ҳам оширади.

## 2.6. Туристларнинг хавфсизлиги кафолатлари ва уларни таъминлаш чора-тадбирлари

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулкини муҳофаза қилишни таъминлашдан иборатдир. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Мамлакатимизда бундай тадбирларни тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси амалга оширади. Бу компаниянинг жойлардаги ташкилотлари шу маҳаллий ҳокимиятнинг ички ишлар бошқармалари, миллий хавфсизлик хизмати, божхона ташкилотлари билан келишган ҳолда амалга оширадилар. Чунки бу вазифа бевосита маҳаллий ҳокимият органларига ҳам юклатилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз худудида туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя

қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Давлатимиз туризмни ривожлантириш, туристларнинг хавфсизлигини мамлакат бўйича таъминлашга масъул бўлса, ҳар бир ҳудудда жойлашган маҳаллий давлат ҳокимият органлари ўз ҳудудларида масъулдирлар.

Булардан ташқари турстик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар ҳам туристларнинг хавсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳоларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни изчиллик билан амалга оширади.

Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, шундай хулоса қилиш мумкинки, туристлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уларнинг хавфсизлиги тўлиқ кафолатланган. Аммо бу тадбирни бизга ташриф буюрувчи ҳамма туристлар билиши лозим. Бу эса ўз навбатида туризмни халқаро миқиёсда катта реклама қилишни тақазо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасида туристларнинг хавсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрсатиб берилган. Бунда таъкидланишича, туризм билан шуғулланувчи субъектлар туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим. Бу талаб ва тадбирларга мамлакатимизда амалдаги қонунлар бўйича қуйидагилар киради (5-чизма).

Чизмадан ҳам кўриниб турибдики, туристик сайёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган ҳолда туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирув-қутқарув хизматлари билан ҳам шартномалар тузадилар

Ҳозир мамлакатимизда қидирув-қутқарув хизматлари ташкил этилган ва улар ҳам мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Туристик хизматини кўрсатувчи субъектлар албатта бундай ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқлари лозим.

**Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари**

Туристларнинг сафарда хавф-хатардан ҳоли бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусабақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлаш

Туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ходисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юза сидан йўл-йўриқ беришлари, шунигдек белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг ҳатти ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзларини хабардор қилиш

Туристларнинг саёҳатлари, сафарлар, мусобақалар ва бошқа туристик тадбирларга тайёрлиги устидан назоратни амалга ошириш

Фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш чораларини белгилаш

Автомобил, тоғ, чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

***5-чизма. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар.***

## 2.7.Туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Турист бу қайси мамлакат фуқороси бўлишидан қатъий назар у инсон. Шу туфайли улар инсон сифатида барча халқаро ҳуқуқларга эга. Бу бўйича Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари

деклорацияси амал қилмоқда. Бу ҳар бир инсоннинг қаерда ва қайси ҳолатда бўлишидан қатъий назар уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон республикасининг қонунчилигида ҳам турист ва туристик фаолият билан шуђулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган. Туристларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўйидаги чизмада ифодаланган (6-чизма).



***6-чизма. Туристларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари***

Туристларнинг қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эгалиги. Булар алоҳида давлатлар ўртасида тузилган шартномаларда ҳалқаро меъёрий ҳужжатларда қайт қилинган нормаларда ўз аксини топган бўлиши мумкин.

Туристлар билан бирга туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги қонунида акс эттирилган. Қонун бўйича туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар қатор ҳуқуқларга эга ва зиммасида тегишли мажбуриятлар ҳам белгиланган (7-чизма).

**Туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**Туристик фаолият субъектининг ҳуқуқлари**

- Турнинг муддати ва йўналишини, хизмат кўрсатиш даражасини, транспорт хизмати кўрсатиш турини, туристнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг мол-мулкини қўриқлаш усулини туристнинг розилиги ва ҳоҳиши билангина ўзгартириш
- Туристнинг розилиги билан ҳамда бу хусусда тур бошланишидан камида йигирма кун олдин туристни хабардор қилиш шарти билан турнинг шартлашилган қийматини ошириш
- Хизматлар кўрсатиш мумкин бўлмаган форс-мажор ҳолатлари рўй берганда, шунингдек гуруҳни тузиш учун зарур миқдорда туристлар йиғилмаган тақдирда туристларни бу ҳақда тур бошланишидан камида йигирма кун кўрсатиш шартномасини бекор қилиш
